



ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ: МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТИББИЙ, ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

¹Абдираимов Абдикодир Абдуллаевич

ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.,

²Абдуллаев Файзулла Абдикодир ўғли

ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси,

³С.У. Норқўзиев

ИИВ Академияси 317-гуруҳ курсанти,

Тел: +99899 826-99-16.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7430720>

ARTICLE INFO

Received: 29th November 2022

Accepted: 11th December 2022

Online: 12th December 2022

KEY WORDS

Маъмурий ҳуқуқ, маъмурий
жавобгарлик, жамоат
тартиби, жамоат
хавфсизлиги, жамоат
жойлари, алкоголь
маҳсулоти, алкоголь,
алкоголизм, абсидент
синдром, алкоголь
деградацияси, Корсаков
психози.

Асрлар давомида шаклланиб келган урф-одатларимиз, Ўзбекистон халқига хос бой тарихий анъаналаримиз ва қадриятларимиз ёш авлодарни бағрикенг, самимий ва меҳр оқибатли бўлишга ундайди. Лекин, беш қўл баравар бўлмаганидек, ушбу қадриятларимиздан четга чиқиб ҳуқуқбузарликлар содир этаётган фуқароларимиз ҳам кўп учрайди. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг бир қисмини алкогольдан мастлик ҳолатида содир

ABSTRACT

Ушбу мақолада МДҲ давлатларининг ҳамда мамлакатимиз маъмурий қонунчилигидаги инсон психикаси, онги ва иродасига таъсир қилиб, келгусида ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик ҳолатлари учун жавобгарлик нормалари қиёсий, таркибий, мантиқий, анализ ва синтез методларидан фойдаланиб, тиббий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

этилаётган ҳуқуқбузарликлар ташкил қилади.

Дунё бўйича энг кенг тарқалган маст қилувчи модда бу алкогольдир. Қонунчилигимизда алкоголь маҳсулотига қуйидагича таъриф берилган: “Алкоголь маҳсулоти — коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил



спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти”[1].

Алкоголь маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш оқибатида, унга нисбатан патологик майл-алкоголизм вужудга келади. Алкоголизм уч босқичда кечиб, босқичма босқич инсон иродасини, идрок қилиш қобилятини синдирадиган касалликдир[2].

Бундан ташқари, алкоголизмга йўлиққан беморларда ўткир ва сурункали психозлар кузатилиши мумкин. Буларга, алкоголь делирийси, алкоголь голюцинацияси (Корсаков психози), васвасали алкоголь психозларини мисол қилиб келтириш мумкин[3].

Алкоголь моддаси марказий ва периферик нерв системасига таъсир кўрсатиб, доимий равишда қабул қилинганлиги алкоголизмни келтириб чиқаради. Алкоголизм инсон иродасини синдиради, онгини торайтиради, тажовузкорлик, ўзи ва атрофдагиларга нисбатан адекват муносабати ҳамда инсонийлик қадр-қимматини ҳақоратловчи ҳолатга тушиб қолиши, тубанлик ботқоғига ботиши учун замин яратади. Алкоголизмга ружу қўйиб, тубанлик ботқоғига ботган, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражадаги инсон келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этиш даражасигача боради. Уларни ҳуқуқбузарликларга ундовчи мотив-хумор тутишини бартараф қилиш бўлса, мақсад-алкоголь маҳсулотларини қўлга киритишга айланади.

“Ҳар қандай жиноятга жуда кўп омиллар сабаб бўлади”,-деб таъкидлайди Чезаре

Ломброзо[4]. Ч.Ломброзо жиноятчилик омилларини ўн беш гуруҳга ажратади. Улардан олтинчи гуруҳ омилларига: алкоголизм ва наркотизм омили: алкоголнинг зарарли таъсири[5] киради. Бу хусусда, рус олимаси М.В. Колодина: “Жамоат жойларида алкоголь ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларига қарши чиқиб, атрофдагилар учун ноқулайликлар туғдиради ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир бўлиши учун замин яратади[6]”,-деб таъкидлайди.

2020 йилда жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги 2019 йилга нисбатан 8 фоизга ошган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қирқ мингдан ортиқ спиртли ичимликка ружу қўйган шахс рўйхатда туради. Бу Республикаимизда ҳар 867 кишидан биттаси спиртли ичимликка ружу қўйганлигини билдиради. Ўзбекистонда 2003-2018 йилларда кучли алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш 74 фоиздан 89 фоизгача ошган (аҳоли жон бошига 1,6 литрдан 2,6 литргача тоза спирт миқдори), шу билан бирга кучсиз алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш 15 фоиздан 3 фоизгача камайган. Алкоголь маҳсулотларини сотиш эса 60 фоизга ошган[7]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботи[8] га кўра текширилган 30 та Европа давлатида аҳоли жон бошига қабул қилинаётган спиртли ичимликнинг максимал миқдори 15 литрни ташкил этади. Ушбу статистика жаҳон бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган кучли алкоголь маҳсулотлари миқдорининг ўсиш тенденцияси шаклланганлигидан далолат беради. Бу эса, алкоголь



маҳсулотлари истеъмоли натижасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар сонининг ошиши демакдир. Ушбу салбий тенденциянинг ривожланиши ва ҳуқуқбузарликлар содир бўлиш потенциалининг ривожланиши мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг шу соҳага оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мамурий жазо чораларини қиёсий таҳлил қилишга ва бу соҳадаги бўшлиқларни тўлдириш учун таклиф ва тавсиялар киритиш масаласинининг актуаллигини юзага келтирмоқда.

Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада МДХ мамлакатлари хусусан, Россия, Беларусь ва Тожикистоннинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар” Кодекси, ҳамда Қирғизистоннинг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексида таъкидлаб ўтилган жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида қандай жавобгарлик нормалари белгиланганлигини қиёсий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларини ўзлаштириш, жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Беларусь Республикаси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексининг 19.3 моддасида[9]: “Жамоат жойларида алкоголь, таркибида кам миқдорда алкоголь бўлган ичимликларни ёки пиво, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмол қилиш ёхуд

жамоат жойларида ва иш жойларида маст ҳолатда юриш” маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ: “Жамоат жойларида алкоголь, таркибида кам миқдорда алкоголь бўлган ичимликлар ёки пиво, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмол қилиш ёхуд жамоат жойларида ва иш жойларида маст ҳолатда инсон кадр-қимматини ҳақоратловчи ҳамда жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларини бузган тарзда ҳаракатланиш”,- ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик санкциялари ўрнатилган.

Қирғизистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексининг 81 моддасида[10]: “Жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш”,-ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра: “Кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, жамоат транспортларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳамда жамоат жойларида маст ҳолатда, инсонийлик кадр-қимматини ҳақоратловчи ҳолда ҳамда жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларини бузган тарзда намоён бўлганлик” учун жавобгарлик белгиланган.

Бу хусусда Тожикистон Республикаси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодексининг 463-моддасида[11]: “Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун жавобгарлик



белгиланган бўлиб, кўчаларда, стадионларда, ҳиёбонларда, истироҳат боғларида, барча турдаги жамоат транспортларида ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилганлик ёки маст ҳолатда, инсон кадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда намоён бўлганлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланиб, ушбу ҳаракатлар бир йил давомида такроран содир этилса иккинчи қисм доирасида оғирроқ санкция билан жазо қўлланилиши ҳақида таъкидлаб ўтилган.

Инсон кадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда бўлиш ҳолатлари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- ҳуқуқбузар жамоат жойида одобсиз шаклда намоён бўлса (нафрат ва жирканишни келтириб чиқарадиган тартибсиз кўриниш, ифлос, ҳўл, ич кийимини ташқи кийимлари устидан кийиб олганлик, аланғоч ва шу каби ҳолатларда);
- ҳудудга нисбатан тўлиқ ёки қисман ориентир олиш қобилиятини йўқотган бўлса (мақсадсиз бир жойда туриши, бир жойдан иккинчи жойга мақсадсиз бориб келиши, ҳаракатланиш кординациясининг бузилиши ва шу каби ҳолатларда);
- Ожиз аҳволдаги мастлик ҳолатида бўлса (жамоат жойларида хиссиз (ётган) ҳолатда бўлиши).

Юқорида кўрсатилган Беларусь, Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикалари қонунчилигида нафақат жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун, балки, жамоат жойларида инсон кадр-қиммати ва жамиятда

умумэтироф этилган юриш-туриш қоидаларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Бу борадаги мамлакатимиз қонунчилигида эса, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги мавжуд, лекин, Алкоголь маҳсулотлари таъсиридан маст бўлган шахснинг жамоат жойларида инсон кадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда бўлганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг вазибалари[12]дан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз: *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187-моддасини қуйидагича таҳрирлашни:*

187-модда. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ва улар таъсиридан мастлик ҳолатидаги шахснинг жамоат жойларида инсон кадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда бўлиш

Иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно,-



базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,-

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Алкоголь маҳсулотлари таъсиридан маст бўлган шахснинг жамоат жойларида инсон қадр-қиммати ва жамоат ахлоқини камситувчи тарзда бўлиши,-

Базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,-

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан саккиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Алкоголдан мастлик ҳолатида бўлган шахс томонидан алкогольли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсиридаги ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,- *базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан саккиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.*

Юқоридаги таклиф қилинган янги нормани қонунчилигимизга киритиб, амалиётга жорий қилиш орқали қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

Биринчидан, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ёки унга рухан қарамлик оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг кенг миқёсда олдини олишга;

Иккинчидан, оилаларимиз мустақамлиги, ёш авлоднинг соғлом маънавий ҳамда нормал физиологик ривожланишини таъмилаш.

Ушбу соҳада содир этилаётган жамиятда тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларига зид хатти-ҳаракатларни чеклаш мақсадида маъмурий жавобгарликнинг янги нормаларини шакллантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, фуқаролар тинчилиги ва осойишталигини, анъана ва қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш учун муҳим шарт-шароитлар яратиб беради. Зеро, ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларигагина эмас, балки сабабларига ҳам қарши курашиш даркор.



References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/1880029>
2. В.А. Toshmatov, SH.SH. Magzumoya, N.S. Bulicheya, N.B. Usmanova. Psixiatriya va Narkologiyada hamshiralalar ishi// Toshkent «iqtisod-moliya».-2008. - 82-83-betlar.
3. П.Д.Шабанов Практическая руководство для врачей. Наркология. Тема 6.2.3. страницы 258-259
4. Итальян врачи ва криминалисти, Турин университетининг анатомия фанлари профессори Чезаре Ломброзо (1830-1909)
5. И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов Криминология. Умумий қисм. Тошкент – 2015. 101 - бет.
6. Административная ответственность. Учебное пособие. Оренбург – 2018. 122 стр. Страница №74.
7. Реализация алкогольной политики в странах содружества независимых государств рабочее совещание «Стран-первопроходцев» © Всемирная организация здравоохранения 2020 г. Document number: WHO/EURO:2020-1202-40948-55498 <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/335948/WHO-EURO-2020-1202-40948-55498-rus.pdf>
8. Europe, people continue to consume more alcohol than in any other place in the world. c <https://www.euro.who.int/en/media-centre/sections/press-releases/2019/in-europe,-people-continue-to-consume-more-alcohol-than-in-any-other-place-in-the-world>
9. Кодекс Республики Беларусь от 6 января 2021 г. № 91-3 “Об Административных Правонарушениях”. Глава 19, статья 19.3. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=НК2100091>
10. Кодекс Киргизской Республики от 13 апрель 2017 г. №114 “О нарушениях” Раздел V, Глава 15, Статья 81. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111565?cl=ru-ru>
- 11 Кодекс Республики Таджикистан от 31 декабрь 2008 г. №455 “Об административных правонарушениях”. Глава 26, статья 463 https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414710&pos=6;-106#pos=6;-106
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 2 модда <https://lex.uz/docs/97664>